



Темурийлар даври манбаларида йирик этник тушунча - халк маъносини ифодалаб келувчи атама. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида “мўгул тилида”, “мўгул лашкари”, “мўгул одати”, “мўгул гўзаллари”, “мўгул куйи” каби иборалар бор. Чингизхон истилосидан сўнг Чигатой улусининг шаркий кисмидан иборат худуд - Мўгулистонда яшовчи (уларнинг мутлак кўпчилиги туркий кавмлар бўлган) кабилалар ягона ном билан “мўгуллар” деб аталган.

“Б.”да ҳам “мўгул улуси” деганда Мўгулистонда яшовчи аҳоли назарда тутилиб, унинг таркибига турли уруг-кабилалар кирган. “Чигатойхоннинг юртида (Мўгулистонда) мўгул улусининг хони ул фурсатта (15-а. 2-ярмида), (Юнусхон) эрдиким, менинг улуг отам бўлгай” (56). “Бу фурсатта (15-а.нинг охириги чорагида) мўгул улусининг хон ва султонлиги Юнусхоннинг улуг ўгли, менинг тагойим Султон Махмудхонда эди” (6а). Асарда мўгул черики, Мўгулбек (шахс исми), мўгул беклари, мўгуллар, мўгул улуси (Мўгулистон аҳолиси), мўгул дастури (мўгул одати), мўгулча (мўгул усулида) каби сўз ва иборалар учрайди. 15-а. бошларида ёзилган Рашидиддиннинг “Жомеъут-таворих” асарида ҳам “мўгул” сўзи умумлашма этник атама сифатида келган ва унинг таркибига бир канча, жумладан, туркий уруг-кабилалар киритилган.

Захириддин Мухаммад Бобур энциклопедиясидан